

O'ZBEKISTON

OYOZI

IJTIMOYIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 22-MAY ■ SHANBA ■ 62 (27.237) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



QAXRAMONNING NIYATI

Ўзбекистон Қахрамони Аваз Эргашевни нафақат вилоятда, балки республикада ҳам кўпчилик тажрибали деҳқон, машхўр хўжалик раҳбари сифатида танийди ва ҳурмат қилади. Чунки Аваз ота ўзининг меҳнати, жонбозлиги ва меҳрибонлиги билан халқимиз, ҳукуратимиз эътиборига тушган. У салкам йигирма йилдан бери Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Хўжам Низоматов номи ширкат хўжалигини бошқармоқда. — Бу йил 730 гектар майдонга галла эканмиз, — дейди Аваз Эргашев. — Хосилдорликни 60 центнерга етказиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдамиз. Утган йилги галла режасини 120 фоизга, пахтани эса 136 фоизга бажарган эдик. Бу йил ҳам бултурги маррани эгаллаш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Бундан ташқари аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида хўжалик ҳудудида янги замонавий қишлоқ врачлик пункти қуришни бошладик. Ушбу янги тиббиёт муассасасини Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллаб турибмиз. Халқимиз ўз меҳнати самарасини кўрсин деймиш.

ХДП хабару МАРКАЗИЙ КЕНГАШ КОТИБИЯТИДА

Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП МК тарғиботчилар гуруҳи фаолияти тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий ҳолати тарғиботини кучайтириш мақсадида Марказий Кенгашнинг тарғибот гуруҳи тўзилиб, унинг таркибига ХДПдан Олий Мажлисга сайланган депутатлар, Марказий Кенгаш котиблари ва масъул ходимлари, партия фаоллари, зиёвilar вакиллари ҳамда журналистлар киритилган. Қисқа давр мобайнида МК тарғиботчилар гуруҳи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, хусусан, Чирчиқ шаҳрида жойлашган 10 дан ортиқ ҳарбий қисмларда, қатор меҳнат жамоалари, билим юрталари, «Меҳрибонлик», ноғиронлар ва қариялар уйларида, маҳалларда учрашувлар ўтказди. Улар ўз чиқишларида мамлакатда амалга оширилётган чуқур ўзгаришлар, икки палатали парламентни шакллантириш, республика Куролли Кучлари ислохоти, 2004 йилда бўлиб ўтадиган ялпи сайловлар, Ўзбекистон ХДПнинг ижтимоий-сийсий ҳаётдаги иштирокига доир масалаларни ёритди. Тарғиботчилар, шунингдек, Олий Мажлис XIV сессияси якунлари, Ўзбекистон Президентини И.А.Каримовнинг ундаги нуқти, парламентимизнинг мамлакатимиз баъзи минтақаларида жорий йил март охири — апрель ойи бошида содир этилган террорчилик амаллари муносабати билан барча фуқароларга Мурожаати, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашни кучайтириш зарурлиги, унда жамоатчиликнинг фаол иштироки тўғрисида гапирдилар. Айни пайтда, фуқаролар депутатлар ва уchrashувларнинг бошқа иштирокчиларига ўзларини ташвишлантираётган ижтимоий-сийсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа масалалар бўйича саволлар билан мурожаат қилдилар. Бунга қўйлаб мисоллар келтириш мумкин. Кейинги икки йилда эса болаларни спортга кенг жалб этиш, уларга шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратишга катта эътибор берилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚўМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ, ШУНИНГДЕК, ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Болалар спорти: муаммолар, тақлифлар, мулоҳазалар

СПОРТ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК, БОҚИЙ ШАЖАРА

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол соғлом авлодни тарбиялаш ишлари изчиллик билан, янгидан-янги ташаббус ва чора-тадбирлар асосида олиб борилмоқда. Бунга қўйлаб мисоллар келтириш мумкин. Кейинги икки йилда эса болаларни спортга кенг жалб этиш, уларга шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратишга катта эътибор берилмоқда.



давра суҳбати иштирокчилари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ Тўғрисида

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғини, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг, иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг, республикани жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг зарур ва мажбурий шarti сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Белгиланган мақсадга эришиш учун Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу дастур 9-синф битирувчиларини касб-хўнар таълими тизими билан тўла қамраб олишни таъминлашга, ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим билан бир қаторда аниқ бир касбни эгаллаб олишларига қаратилган. Дастурга мувофиқ принципал янги типдаги ўрта хўнар ўқув муассасалари тармоғи шаклланди. Замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган 533 та касб-хўнар коллежи ва 54 та академик лицей барпо этилди. Коллежлар ва лицейларни қуриш ҳамда жиҳозлаш бўйича мамлакатимиз индустриясини яратилди. Янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуksиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади. Бунда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрни ва масъулиятга эгадир. Дастурни тўлиқ амалга ошириш, қўйилган вазифаларга эришиш ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражасига, уларнинг ўзаро уйғунлигига боғлиқдир.

Шу билан бирга, таҳлиллар шунини кўрсатади, бугун тизимнинг энг муҳим бошланғич таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

- умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;
- умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш;
- 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумимиллий дастурини амалга ошириш борасидаги ишларнинг бутун комплекси бажарилиши учун масъулият Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилик, Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига юклатилсин.
- Дастурни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳар бир алоҳида шаҳар ва туман бўйича ишлар жаҳзаси ва уларни бажариш мuddатлари аниқ белгиланиши, бузиб ташланадиган, капитал реконструкция қилинадиган ва капитал таъмирлаш талаб этиладиган мактаблар жойлашган манзилларнинг хариталарини тузиш қўзда тутилсин ва шу асосда ҳар бир объект бўйича тиклаш ишлари мактаблардаги ўқув жараёнига зарар етказмаслиги учун уларни бажаришнинг аниқ дастурлари тайёрлансин.
- Бюджет маблағлари, қорхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомилийк маблағлари, хорижий кредитлар ва грантлар 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумимиллий дастурини молиялаштириш асосий манбалари этиб белгилансин.
- Ушбу маблағларни жамлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ҳузурида бюджетдан ташқари махсус Мактаб таълими жағмарма-си ташкил қилинсин.

РУСЛАННИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Профессионал боксининг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида жанг олиб бораётган Руслан Чагаев навабдаги ғалабасини нишонлади. Германиянинг Любек шаҳрида ўтказилган учрашувда ҳамюртимиз америкалик Уэйд Луисга қарши рингга чиқди.

БУХОРОЛИК ПИЛЛАКОРЛАР БУ ЙИЛ ҲАМ БИРИНЧИ

Вилоятнинг «қумуш тола» ижодкорлари бу йил ҳам шартномавий режаларини мамлакатда биринчи бўлиб бажардилар. 36299 та пиллачилик звеносида хориждан келтирилган 42950 қути ипак қурти уруғи илгор агробиология талаблари асосида парваришланиб, режадаги хирмони олдинги йилларга қараганда анча залворли бўлди.

«Пилла» — 2004

Олот, Бухоро, Жондор, Вобкент, Қорақўл, Пешку туманларида мавсум ниҳоясига етди. Қолган туманлар ҳам яна иккинчи кун ўтмаёқ маррага етиб келиши аниқ.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKORI
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tsbmb.uz E-mail: info@tsbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Молия вазирлиги ҳузурида Жамгарманинг Ижроия дирекциясини тузиш, Жамгармани бошқариш бўйича Кенгашни ташкил этиш, шунингдек Ижтимоий соҳани молиялаш бош бошқармаси таркибиде мактаб таълими бўлимини тузиш бўйича таклифлар икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилсин, мактаб таълими бўлими зиммасига Мактаб таълимининг бюджетдан ташқари жамгармаси маблағларидан фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси икки ой муддатда қуйидагиларни амалга оширсин: мактабларни рўйхатдан ўтказиш асосида фойдаланилаётган мактабларни турларига қараб системалаштириш, уларнинг моддий базаси ҳозирги аҳолини баҳолаш мумкин бўлган сифат ва сон мезонларини белгилаш, бу ўринда зарур коммуникациялар, сув, иссиқлик ва мактаб инфраструктураси мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиш; системалаштириш натижаларига кўра мактабларни тиклаш бўйича намунавий лойиҳаларнинг бир неча вариантини ва энг юқори меъёрий харажатларини ҳар бир вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ шароитларига мослигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш, бунда улар тўрт йўналиш бўйича — эскиларининг ўрнига янги мактаблар қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш зарурлиги жиҳатидан кўриб чиқиладиган бўлиб, бунда асосий талаб — биринчи навбатда, хавфсизлик ва ўқув жараёни талабларига мувофиқлик ҳамда капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш харажатлари шу турдаги янги мактаб қурилиши қўйиматидан ошмаслигини таъминлаш;

мактабларни капитал реконструкция қилиш намунавий лойиҳаларни макетларининг кўргазмасини ташкил этиш, капитал ва жорий таъмирлаш намунавий лойиҳалари ва энг юқори меъёрий харажатлари алоҳида таъбирлаш ва амалиётда қўллаш учун наشر этиш. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига намунавий лойиҳаларни таъбирлаш учун иштирокчи лойиҳачилар ва сметачилардан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган намунавий лойиҳаларда ва меъёрий харажатларнинг юқори кўрсаткичисиз мактабларни тиклаш ишларининг амалга оширилиши қатъиян тақиқлансин. Намунавий лойиҳаларни реал шароитга мослаштириш чоғида ундан ҳар қандай чекиниш Давлат архитектура қўмитаси билан келишиб олиниши лозим.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси мактабларни тиклаш ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳалар ҳамда тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қондаларига риоя этилиши учун масъул ҳисобланади. Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев) Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан бирга-

лиқда икки ой муддатда республика вилоятларида манфаатдор тузилмалар билан бирга шаҳар, қишлоқ ва тоғли жойлар шароитини ҳисобга олган ҳолда намунавий лойиҳаларга риоя этиш юзасидан масъулиятни ошириш талабларини бевосита ижрочиларга етказиш учун семинар ва кенгашлар ўтказсин.

9. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш юзасидан бюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги ягона бюртмачи хизматларига юклатилсин.

10. Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев), Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш ва ижтимоий комплекслари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан бирга қуйидагиларни амалга оширсин: икки ой муддатда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга иктисослашган мавжуд пудратчи қурилиш ташкилотлари ва қурилиш саноати объектларини рўйхатдан ўтказиш;

Дастурини амалга ошириш учун касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишига жалб этилган қурилиш саноати корхоналари ва пудратчи ташкилотлар имкониятларидан фойдаланиш; намунавий лойиҳалар талабларидан келиб чиқиб, мактаблар тиклашда ишлатиладиган намунавий қурилиш конструкциялари ва бирикмаларини белгилаш ва тасдиқлаш, экспертиза ва синовдан ўтказиш, шундан сўнг уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор идоралар билан бирга, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни жиҳозлаш бўйича тўплаган тажрибадан келиб чиқиб, 2004 йил 1 октябргача: маълакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган мактаб парталари, мактаблар учун меъбел ва бошқа ўқув ускуналари танловини эълон қилсин ва кўргазмасини ташкил этсин;

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги иштирокида мактаб ва ўқув ускуналарининг муайян турларини ишлаб чиқаришига доир давлат бюртмачисининг беш йиллик дастурини ишлаб чиқиш; мактаб ва ўқув ускуналарини ишлаб чиқариш давлат бюртмачисини бериш учун маълакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида тендер ўтказсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2004 йил 1 сентябргача 2005-2009 йилларда мактабларни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича махсус дастур тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Мазкур Дастурни тайёрлашда қуйидагилар кўзда тутилсин: касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш услубиёти ва амалиётини мажбурий тарзда қўллаш; Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ижро этиш муддатларида мактабларни замонавий компьютер техникаси билан жиҳозлаш, иктисослаштирилган синфлар (физика, кимё, биология ва бошқа хоналари) ташкил этиш, бунда молиялаш манбалари, уларни таъмирлаш бўйича моддий база мавжудлиги, мактабларнинг тегишли мутахассис ва ўқитувчилар билан таъминланишини ҳисобга олиш.

13. Узлуқсиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янги-ларини яратиш бўйича Хукумат комиссияси (А.А.Азизхўжаев) Маъбулот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2004 йил 1 сентябргача Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларини наشر этиш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин. Бунда давлат таълим стандартлари талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда: бир ой муддатда 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб ўқитувчилар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва тариф ставкалари тизимини қайта кўриб чиқиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, уларда истеъдодли, ўз касбияти содиқ, таълим ва тарбия жараёнига қатъиян ҳисса қўшган ўқитувчилар, биринчи навбатда, бошланғич синфлар ўқитувчиларини рағбатлантиришнинг самарали механизминини яратиш кўзда тутилсин; ўқитувчиларга ҳақ тўлаш тизимини тармок сатҳасига ўтказиш масалалари оммавий ахборот воситаларида, махсус семинарлар, конференциялар ва кенгашларда кенг муҳокама этилишини ташкил қилсин ва 2004 йил 1 октябргача Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан Хукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2004 йил 21 май

Партияимиз ташкилотларида

Олий Мажлисининг XIV сессиясида мамлакатимиз раҳбари И.Каримов сиёсий партияларнинг фаолиятга танқидий баҳо бериб, уларда фаолият, курашувчанлик етишмаслигини таъкидладилар. Ана шу сессияда «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун ҳам қабул қилинди.

Шубҳасиз, бу воқеалар сиёсий партиялар ташаббускорлигининг ошишига, фаоллашувига кучли омил бўлди. Қолаверса, жорий йил охирида мамлакатимизда ялли сайловлар бўлиб ўтади. Сайлов ҳар бир партия учун жуда катта синовдир. Энди қайси партия қанча овоз тўплайди — бу уларнинг халқ ичига нечоғлик кириб, одамларни ўз гоёларига эргаштира олишига боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам сиёсий партияларнинг жамиятимизда тугган ўрни сезилмапти. Шу жумладан, ЎзХДП ҳам бундан мустасно эмас. Бунга сабаб нима? Ҳ.ЭРМАТОВ, вилоят кенгаши биринчи котиби: — Жамият тараққиётини манфаатлар ҳаракатга келтириш. Эзгу манфаатлар ва гоёлар бирлашган жойда эса ривожланиш бўлади. Ҳар қандай партия ўзини мақсад-муддаосидан келиб чиққан ҳолда аниқ вазифани қўзғаб иш тутиши керак. Очиги, бу борада биз ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз зарур.

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг ташкил этилиши партиялар фаолиги ва тараққиёти учун муҳим омил бўлиб қолади.

Савол: Жамиятнинг тараққиётини, демократлашувни шубҳасиз сиёсий партияларнинг фаолигига, курашувчанлига боғлиқ. Лекин афсуски, бизда ҳатто партиялар ҳам «юқоридан» топшириқ кўтиб ўтиришга эҳтиёж бўлади. А.ҲАМИДОВ, Термиз шаҳар кенгаши биринчи котиби: — Албатта, партиялар маълум гоё атрофига тузилади. Биздаги барча партиялар номида «демократик» сўзи бор. Бу дегани барча партия давлатимизда демократик жамият кураши тарафдоридир дегани. Аммо уни амалга оширишда ҳар хил стратегик ва тактик йўлларни қўлдан олиш кўзда тутилган. Бунда очик-оқидан кураш бўлмаётганлигининг бош сабаби бизда парламентда кўпчилик ўринларини эгаллаган партия ва

унга қарши турган озчиликни ташкил этиш учун бир партиянинг йўқлигида.

Савол: Партиялар халққа ижро ҳокимиятидан ўтказиб бирор нарса (гап фақат моддийликда эмас, мафкуралар жихатдан ҳам) беришолмапти. Шунинг учун ҳам халқнинг партия билан муносабатлари узилиб қолмаганмикин?..

А.МАМАТМУРОДОВ, Жаркўрғон туман кенгаши биринчи котиби:

— Бизда сиёсий партиялар вакиллари фақат Олий Мажлисга сайланган, унда ҳам улар озчиликни ташкил этадилар. Ижро ҳокимиятини шакллантиришда эса улар қонунга мувофиқ иштирок этмайдилар. Шунинг учун улар ижроия ҳокимиятига тенглаша олмайдилар.

бўлди», деб жавоб қилади. Ахир гоё, эътиқод-топшириқлар асосида» ўзгараверса, унда муқаддас нарсанинг ўзи қоладими? Бирон бир сиёсий партияга аъзо бўлиб кириш ҳар бир фуқарога ихтиёрий бўлгани учун, ундан чиқиб ҳам унинг ихтиёрида. Бироқ, мухтажам эътиқодли, тазйиқлар остида ўз гоёвий ва сиёсий қарашларини тез-тез ўзгартирмайдиган кишиларга нима етсин! Нима бўлганда ҳам аввало, ҳар бир инсонда субут, ор-номус бўлиши керак...

Савол: ЎзХДП келатган сайловда (хусусан Сурхон воҳаси мисолида) қайси сиёсий партияни ўзининг энг кучли рақобатчиси деб ҳисоблайди?

Э.МАРДОНОВ, Ангор туман кенгаши биринчи котиби: — Биз учун сайловларда ҳар

мократик тамойиллар бузилмаслигига қандай қафолат бор?

С.ЗУННУНОВА, Қумқўрғон туман кенгаши биринчи котиби:

— Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларида риоя этилса муаммо бўлмайди. Айрим маҳаллий раҳбарлар буни унутмасликларини истардик. Бизнингча, сайловларда адолатли таъминлаш бош масала. Биз шубҳасиз, адолатли сайлов тарафдоримиз.

Савол: Ҳозирги кунда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилапти. Асосий эътибор нима-ларга қаратилмоқда?

М.АБДУЛЛАЕВ, Бойсун туман кенгаши биринчи котиби:

«САЙЛОВЛАРДА ҲАР БИР ПАРТИЯ РАҚИБ...»

бирлашадилар. Ўзбекистон ХДП эса ўз гоёси ва миллий истиқлол мафкурасини яраттида биринчилар қаторида ҳаракат қилган партиядир. ХДПнинг мақсади ва мафкураси аниқ. Сустликнинг эса сабаблари кўп. Асосийларидан бири жамиятимиздаги сиёсий маданият даражаси билан боғлиқ деб ўйлайман. Партия ушбуларни тузатиш йўлларини кўрсатиб бериши керак.

Савол: Партиялар ўртасида соғлом рақобат бўлиши керак, деймиз. Бизда мавжуд 5 та сиёсий партия ўртасида рақобатчилик муҳитининг шаклланишига ёки умуман йўқлиги кишини таяжжубга солади.

А.ҲАМИДОВ, Термиз шаҳар кенгаши биринчи котиби:

— Тўғри, ХДПга кириш бироз соддалаштирилган. Лекин бу истаган одам истаган вақтда партияга қабул қилинади, дегани эмас. Бизда ҳар доим ҳам яқна тартибдаги танлов бўлган ва бўлади ҳам. Аммо бу ерда бошқа бир «хавфли» масала бор. Яқинда янги партия тасвиси қурултирида ҳам, ташаббускор гуруҳи йиғилишида ҳам ХДП аъзоларини кўрдик. Ҳатто партияимиз аъзоси бўлган танлиқ бир кишига туман кенгашининг биринчи котиби кўнгирак қилиб, анча йиллардан бунён ХДП аъзоси эканлигини, ҳали бу партиядан чиқмаганлигини «эслатади». У киши «менга топшириқ

бир партия рақиб. Аммо рақибликнинг ҳам, рақобатнинг ҳам сиёсий майдонда ўз ўрни бор. Рақиблик ва рақобат тенг ҳуқуқли ва адолатли бўлса, биз ҳеч қачон ҳаф бўлмаймиз. Ўйлаймики, бу йилги сайловлар чин маънода демократик руҳда ўтади.

Савол: «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун қай даражада партиялар фаолиятига таъсир қилади?

Б.БОБОЛОВ, Музрат туман кенгаши биринчи котиби:

— Ҳар қандай партиянинг мақсади демократик давлат тузилиши ва ҳокимиятни ўз депутатлари орқали идора этишга қаратилган. Шундай экан, давлат сиёсий партиянинг кучли ва тўлақонли фаолиятдан манфаатдор. Ушбу қонунда сиёсий партиянинг сайловларда фақатгина Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан олган жойларига қараб, уларга маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Ахир, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари учун ҳам партиялар кураш олиб боради-ку. Шундай экан, бу жиҳатлар ҳам эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди..

Савол: Шу йил охирида ўтказиладиган парламент сайловларида адолат, де-

— Аввало, ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш партиянинг Низомида белгиланган. Қолаверса, бу жараён сайловлар олдидан партиянинг ички тузилмаларидаги куч, салоҳиятни синовдан ўтказиш билан боғлиқ масала. Бунда биз учун маҳаллий кенгашларга кўрсатилажак номзодларимизни ҳам танловлар асосида рўйхатга олишга имконият яратилади. Асосий масала бўлажак сайловларга тайёргарлик.

Савол: Партиянинг бош мақсади — ҳар бир инсон, ҳар бир оиланинг фаровонлигига эришиш. Бу борада ЎзХДПнинг сайловолди Дастури тўғрисида нима дея оласиз?

Ҳ.ЭРМАТОВ, вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Партияимизнинг бу борада аниқ стратегияси мавжуд. Бу ҳам бўлса, Олий Мажлисининг қонунчилик палатасидан кўпроқ ўрин олиб, парламентда кўпчилик овозига эга бўлиш ва шу орқали ўз мақсадини рўёбга чиқариш. Бизнинг сайловолди Дастуриимиз партияимизнинг навбатдаги қуролтирида эълон қилинади.

Абдурашул ЖУМАҚУЛ ёзиб олди.

ЎЗБЕКISTON TEMIR YO'LLARI DAVLAT AKSIYADORLIK TEMIR YO'L KOMPANIYASI тендерная комиссия ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» объявляет тендер № 3 на 2004 год на приобретение ниже перечисленных материалов, запасных частей и оборудования по лотам: Лот 1: Переводные брусья АЗ тип1 — 200 комплектов. Лот 2: Шпалы деревянные пропитанные тип 1А — 100000 штук. Лот 3: Колеса цельнокатанные РУ 950, ступица 175 мм — 2000 штук. Лот 4: Бандажы локомотивные 890х143х83мм — 1400 штук. Лот 5: Чугун передельный ПЛ1, ПЛ2 — 1000 тонн. Лот 6: Кокс литейный каменноугольный фракции +40 +60 — 1000 тонн. Лот 7: Тяговый электродвигатель ВЛ-80 (НБ-418-К6) — 24 штуки. Лот 8: Колесо-токарный станок для обточки колесных пар вагонов (типа Рафомет или аналогичные) — 4 штуки. Лот 9: Клемма промежуточная ПК-65 ГОСТ-22343-90 — 1000 тонн. Лот 10: Вал колесчатый 1ПД4А.05.010-1 — 10 штук. Лот 11: Блок с гильзами (Д50.01.002) ПД1А.01.010сб — 10 штук. Лот 12: Секции водные унифицированные 7317.000 — 1000 штук. Лот 13: Секции водные унифицированные 7317.200 — 1000 штук. Лот 14: Аккумуляторная батарея 46 ТПНЖ-550М-У2 — 50 комплектов.

БОЛАЛАР МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасида Болаларни ёзи соғломлаштириш ва дам олдирин бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2003 йил болаларни соғломлаштириш ва дам олдирин якунлари ҳамда 2004 йил мазмунини ушшоқлик билан ўтказишга оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев бошқарган мажлисда болаларни ёзи дам олдирин мазмунини ушшоқлик билан ўтказиш мумкин ва масъулиятли вази фа экани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Мехр ва муруват йили деб эълон қилинган 2004 йилда Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, серфарзанд, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандларини имтиёзли тарзда оромгоҳларда дам олдиринга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Оролбўйи минтақасидаги ўғил-қизларни соғломлаштириш доимий диққат-эътиборда бўлмоғи даркор.

Мажлисида барча турдаги оромгоҳларни мавсумга талаб даражасида тайёрлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур техник жиҳоз ва анжомлар, спорт буюмлари, дори-дармон билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Оромгоҳларга малакали ва мохир педагог-тарбиячи, етакчи ва бошқа мутахассисларни жалб этиш, ёшлар онига миллий истиқлол, Ватанга муҳаббат, юртга садоқат гоёларини синдиришга қаратилган маърифий-маънавий тадбирларни юксак савияда ўтказиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди. Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7. ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари», Управление «Темирйўлбўлиштигимин», комната 410. Тел.: 138-85-70, 138-88-03, 138-84-72. Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.

1998 йил 22 май — Эверест чўққисига ilk бор мустақил Ўзбекистоннинг давлат байроғи ўрнатилди

Байроқ миллат гурури, юрт шаънининг рамзи, халқ ифтихоридир. Ҳар бир халқ мамлакат байроғининг кадр-қимматини сарбаланд тутди ҳамда дунёнинг энг баланд «томи»га ўз тугини қадаб қўйишни истади. Ер юзидаги энг баланд чўққи — Эверест (Жамолунгма) «дунё томи» деб аталади. Мустақил юртимиз байроғи ана шу энг юксак чўққига тикилганига олти йил тўлди.

ларимиз қалбида Жамолунг-мани забт этишдек машаққатли ва шарафли мақсадга йўл очди. Не-не юксак тоғлар кўксига чиққан альпинистларимиз «дунё томи»ни кўзлаб экспедицияни бошлади. Миллий экспедиция таркибига — Рустам Ражабов, Светлана Баскакова, Анатолий Шабанов, Сергей Соколов, Олег Григорьев ва Марат Усаевдек энг тажрибали альпинистлар жалланганди. Улардан бири Рустам Ражабовнинг бугунги фаолияти ҳақида гапирмоқчимиз.

Миллий экспедициянинг моддий масалаларини мамлакатимиз ва хорижий ҳомий ташкилотлар, саҳо-эрталаб чўққи сари 2 нафар словакиялик ва 3 нафар хитойлик альпинистлар юриш бошлади. Лекин улар 8500 метр баландликдан у ёғига қўтарилишга юраклари беталамай раҳ-га қайтишди. Бизнинг альпинистларимиз эса бу пайт-

отланишди. Улар машаққат билан 7000 метр баландликдаги масканга чиқишди, дам олишди. 16 май куни эрталабдан эса яна йўлга. Аввал 7700 метрлик баландлик забт этилди, кейин 8200 метр баландлик ортда қолди, 8100 метр тепа-

ликдаги палаткага эсон-омон етиб келишди. Эзгу ўжарлик ўзбекнинг қонида бор эмасми, Рустам тўхта-масдан йўлни давом эттириб, соат 23.30 да 8200 метр баландликдаги палаткага етиб олди. Рустам ҳал қилувчи «сўнги ҳужум» олдидан руҳан, жисмонан тай-ёргарлик кўриш керак эди. У қорни эритиб чой қайнатди, тўрт соатча ҳозирланди. Палатка ҳам бир оз исиди. Қўтган нон ва пиш-лоқ тановул қилди. Рустамнинг бутун вужудини «осмоннинг устунини забт этиш ҳаёли эгаллади. Ўйчан, тийрак, ўткир нигоҳи чўққига қадалиб қолди...

— Тақдирнинг бу инояти, имкониятидан фойдаланма-сам умр бўйи афсус чекаман, — қатъий қарорга келди йигит. Гарчи ҳаво совуқ бўлса-да, йигитнинг пешонасини реза-реза майда тер томчилари қоплади... Ўзбек ўғлини Рустам 22 май куни эрталаб соат 8.00 да Эверест чўққисига қадам босди... Ҳар бир қадам минг машаққат билан босиларди, у қаричма-қарич юқорига интилди.

Маҳаллий вақт билан 1998 йил 22 май соат 16.45 да «дунё томи»га ўзбек альпинисти Рустам Ражабов мустақил Ўзбекистонимиз байроғини мустаҳкам қилиб ўрнатди! Бахтли лаҳзаларни «Кодак» фотоаппаратида суратга олиб қўйди. Бу вақтда 5200 метр баландликда жойлашган непаллик альпинистлар 60 марта катталаштириб кўрсатадиган кузатиш асосида Рустамнинг Эверестга кўтарилигани-ю, байроқ қадаганини кузатиб туришди.



«Сизларнинг «Дунё томи» деб ном олган — Эверестни забт этиб, ўзбек халқи байроғини ер юзининг энг баланд чўққисига мангу муҳра-лаганингиз ҳақидаги хушха-бар менга катта мамнуният ва гурур бағишлади». Рустам олти йил ўтди. Юртимиз байроғи яна неча бор мағрур кўтарилди, не-не оламшумул воқеаларда қилпиради. Дунёнинг энг баланд нуқтаси — Жамолунг-мада тикилган байроғимиз эса миллат шаъни, юрт гурурини баланд тугиб ту-рaverди...

Бардамбек САБДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ДУНЁ ТОМИ»НИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Таҳририят топириғидан ташқари, ора-орада «хоби-ги» учун қоғоз қоралайди-ган журналист-ижодкорлар баъзан ғалати аҳволга тушиб қолашади, деган гапга шу сафар яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Нима учун дейсизми? Ҳамма гап ана шунда-да. Бу ҳолатни сўз билан ифодаб бериш мушкул.

Қўлимда ҳамма маълумотлар бор, қаҳрамонинг ҳаётини беш кўлдек билан. Аммо, гапни нимадан бошлашга қийналаяпман, ўйлаб ўйимга етолмаяпман. Ҳўш, нимадан бошласам экан? Яхшии, дастававл, мақола қаҳрамони — «ESENYA» қурилиш-инжини-ринг фирмаси раҳбари Ҳамро Матвалиевнинг мо-хир меймор, истеъдодли ҳайкалтарош эканлигини таърифлайман ва мана бу суратини ҳам бераман. Тўхта, унда баъзилар «реклама» қилиш ниятида ёзиб-ди-да, демайди?! Қана-қасига? Ахир мен бу фир-ма — эскириб қолган ат-тракцион ва бошқа хил боғ жихозларини экспертиза-дан ўтказди, қайта тиклай-ди ва таъмирлайди, ишлаб

ши, янгиликка интилувчанли-ги натижасида нафақат Ўзбе-кистон, балки Марказий Осиё-даги энг таниқли дизайн-ер-конструкторлардан бири бўлиб етишганидан сўз оча-ман. Об-бо, бу шаклда ёзиш ҳам ярамайди. Уқувчи мақоланинг ярмига бормаё зериқадим... Ҳа-а, топдим. Ҳозирги муш-тарийлар элга танилаётган кишиларнинг шахсий ҳаёти, оилавий аҳволи билан қизи-қадим...

Демак, қаҳрамонининг хо-размча тухумбаранинг ўзига хос иштаҳа билан истеъмол қилишидан тортиб, умр йўлидош Зулфия опа адаби-ёт фанидан дарс бериши, ад-вокатлик касбига қизиққан катта қизи Гўзалнинг олий

Ийқ, бундай усулда битил-ган мақоланинг, таҳрибали журналистлар тили билан ай-та-ганда, «тоши», яъни ижтимо-ий юки енгиллашиб кетади. Мазкур чиқиш на жамиятга наф келтиради, на жомоат-чиликнинг заррача бўлсин эътиборини тортади. Яхшии мақоланинг му-қаддимасини ҳозирги куннинг долзарб мавзусидан — бугун-

кинчисини такрорламайди. Айниқса, ногирон болалар реабилитациясига мўлжал-ланган лойиҳалар ҳатто Евро-па мутахассисларининг диққатини тортганини алоҳи-да таъкидлаш зарур. Шунинг учун ҳам Брюссель шаҳрида ташкиллаштирилган «Евро-маркет-2003» кўрик-танлови-да «ESENYA» голиблар қато-ридан ўрин олди. Утган йили болалар учун Буюк ипак йўли тарихини акс эттирган мажмуа яратган-дим. Ишонасизми, бу ерга ота-онаси билан келган бо-лаларнинг гап-сўзини тинг-лаб туриб, унинг бугунги тар-биявий аҳамиятидан ўзим ҳам қувонаман. Болақайлар бу қаров ҳақида ҳамма нар-сани билишни истади.

хор, Ватанга садоқат туй-ғуларини шакллантиришга масъулдир, деб қайта-қай-та таъкидлайдилар. Ростдан ҳам ёмон чиқма-япти. Майли, ушбу мулоҳа-заларни мақоланинг ҳуло-са қисмига киритаман. Ҳозир эса тасвири Х.Мат-валиевнинг қайси фазила-тидан бошлаш ҳусусида бир қарорга келишим зар-рур. «Қамроқ гапириш, кўпроқ эшитиш, кўпроқ фикрлаш ва кўпроқ ишлаш» — мақо-лаимиз қаҳрамоннинг ҳаёт-даги шори ана шундай. У қўхна Хоразмнинг узок та-рих ва ўзига хос анъана-ларга бой гунарамчилик мактабининг нўсратидан илҳомланган, уни ХХ аср Европа таърибиса билан уйғунлаштирган ҳолда янги лойиҳалар яратаятган ижодкор. Иккинчи санъ-аткорнинг деярли барча ишларини ўзаро боғлаб ту-радиган умумий бир жиҳат бор. У ҳам бўлса ёш ав-лодга, болаларга бўлган чекиз меҳр.

Ҳамро ака яратаятган лойиҳалар болаларни соғлом-лаштиришга хизмат қилиши-дан ташқари ҳар қандай

«Камроқ гапириш, кўпроқ эшитиш, кўпроқ фикрлаш ва кўпроқ ишлаш» — мақолаимиз қаҳрамоннинг ҳаётдаги шори ана шундай.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, ҳарбийлар Ироқдан олиб чиқиб кетилмайдиган Мамлакат Олий радиосида бўлиб ўтган ёпиқ мажлисда шундай қарор қабул қилинди.

«Интерфакс» агентлиги маълум қилишича, Новосибирск вилоятида 1852 гектарлик 3 та ёнғин ўчоғи, Челябинск вилоятида 1300 гектарлик 2 та, Тюмен вилоятида эса 1840 гектарда гурилляётган 5 та ва Свердловск вилоятида ҳам шунча гектар ўрмонда 4 та ёнғин ўчоғи қайд этилган.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, ҳарбийлар Ироқдан олиб чиқиб кетилишини ёқлаб 450 депутатдан 160 нафаригина овоз берган.

«Интерфакс» агентлиги маълум қилишича, Новосибирск вилоятида 1852 гектарлик 3 та ёнғин ўчоғи, Челябинск вилоятида 1300 гектарлик 2 та, Тюмен вилоятида эса 1840 гектарда гурилляётган 5 та ва Свердловск вилоятида ҳам шунча гектар ўрмонда 4 та ёнғин ўчоғи қайд этилган.

«Интерфакс» агентлиги маълум қилишича, Новосибирск вилоятида 1852 гектарлик 3 та ёнғин ўчоғи, Челябинск вилоятида 1300 гектарлик 2 та, Тюмен вилоятида эса 1840 гектарда гурилляётган 5 та ва Свердловск вилоятида ҳам шунча гектар ўрмонда 4 та ёнғин ўчоғи қайд этилган.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, ҳарбийлар Ироқдан олиб чиқиб кетилишини ёқлаб 450 депутатдан 160 нафаригина овоз берган.


«Интерфакс» агентлиги маълум қилишича, Новосибирск вилоятида 1852 гектарлик 3 та ёнғин ўчоғи, Челябинск вилоятида 1300 гектарлик 2 та, Тюмен вилоятида эса 1840 гектарда гурилляётган 5 та ва Свердловск вилоятида ҳам шунча гектар ўрмонда 4 та ёнғин ўчоғи қайд этилган.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, ҳарбийлар Ироқдан олиб чиқиб кетилишини ёқлаб 450 депутатдан 160 нафаригина овоз берган.

«Интерфакс» агентлиги маълум қилишича, Новосибирск вилоятида 1852 гектарлик 3 та ёнғин ўчоғи, Челябинск вилоятида 1300 гектарлик 2 та, Тюмен вилоятида эса 1840 гектарда гурилляётган 5 та ва Свердловск вилоятида ҳам шунча гектар ўрмонда 4 та ёнғин ўчоғи қайд этилган.

«ОРИЯТЛИ ЭЛ ҚУЛ БЎЛМАЙДИ»


ДЕЙДИ «ESENYA» ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ РАҲБАРИ ҲАМРО МАТВАЛИЕВ



ниг гапидан бошлайман. Масалан, мамлакатимизда болалар спортини ривожлан-тириш, умуман, ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга катта аҳамият берилаётган бир пайтда, қаҳрамонимизнинг бу бора-даги шахсий ҳиссаси қандай? Гапни чўрт кесиб айтиай, айни йўналишдаги ишларни Ҳамро Матвалиев уқаси Шавели билан биргаликда бун-дан беш-олти йил аввал бошлаган эди. Ушундайқ давлатимиз раҳбарининг баркамол авлод орзуси ҳақидаги даъватларига жа-во-бан «Болаларга меҳр би-лан...» деб номланган мах-сус дастур ишлаб чиқилган-ди. Утган вақт ичиди мазкур дастур асосида пойтахтимиз Тошкент шаҳридан тортиб деярли барча вилоятларда болалар учун кўнглилар-соғлом-лаштириш мажмуалари бунёд этилди.



Эътиборли томони шунда-ки, уларнинг ҳеч қайсиси ик-



Айтмоқчиманки, ўтмишидан хабардор халқ ҳеч қачон миллий ўзлигини, гурурини йўқотмайди. Гурури, ориятли эл эса бировга қул бўлмайди, бошқаларнинг но-форасига ўйнамайди. Фараз ниятли кимсалар қийн-айла-майди. Шунинг учун ҳам Юрт-бошимиз ҳар бир инсон қай-си касб, қандай лавозимда ўтиришидан қатъи назар ёш-лар қалбида миллий ифти-

шарнинг кўркига кўрк, та-роғатига тароват қўшади. Энг муҳими, бундай қўри-нишдаги бунёдкорлик одамларни зугуликка чор-лайди. Ҳ.Матвалиев ҳам болалар қалбига яхшилик ва зугулик уруғини қадаёт-ган инсон...

Мақоланинг бисмиллоси қўйилиб келдим, буёғига... **Озодбек ОДИЛБЕКОВ**

Давлат Мулки Қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуринда «РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРПОРАСИ ТОМОНИДАН 2004 йилнинг 22, 25, 29 июль ва 2, 6, 9, 13, 16, 20, 23, 27, 30 июль кунлари ўтказилаётган аукцион савдоларига: — Тошкент давлат юридик институтининг 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АК 148 бўлган «Ламас» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 416 333 сўм; 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АС 306 бўлган «ГАЗ-3307» (грузовой) русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 743 944 сўм; 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АК 785 бўлган «ГАЗ-330700» (автомобиль) русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 857 468 сўм. — «Саноатконтехнология» агентлигига қарашли 6-маҳсус ҳарбийлаштирилган кон қутқарув эвводи-нинг 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АФ 295 бўлган, «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 096 491 сўм. — Банкрот деб эълон қилинган «Саноат Қурув-чи» ОТАЖнинг 1976 йилда ишлаб чиқарилган, дав-лат рақами 63-24 ТНМ бўлган «ГАЗ-5201» русумли махсуслаштирилган автотранспорт воситаси, бош-ланғич нархи — 650 000 сўм билан қўйилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдолари бир соат аввал тўхтатила-ди. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Савдода қатнашиш истagini билдирган талаб-горлар объектининг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридоги закатла пуллари «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК «Ушбойжамгармабан»нинг Тош-кент шаҳар бўлимидаги, банк коди 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А-ўй, 204-хона. Телефонлар: 133-02-49, 133-23-40.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТГА ЯНГИ АЙБЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Литва бош прокуратураси шу йил 6 апрелда импичмент қўланилиши натижасида мам-лакат президентлигидан чет-латилган Роландас Пакасга нисбатан янги айблов эълон қилди. Энди у ўз хизмат вази-фасини суиистеъмол қилган-ликда айбланмоқда.

Литва миллий радиоси бер-ган хабарга қўра, Пакас пре-зидентлик даврида ўз яқинла-рига кўпроқ акция олиб бе-риш мақсадида «Zemaitijos keliai» ёпиқ турдаги акциядор-лик жамияти раҳбариятига таъйиқ ўтказган.

Агар мазкур айблов ҳам суд-да қўриладиган бўлса, Пакасга нисбатан қандай чора қўрили-ши борасида прокуратура ҳозирча бирор нарса демаятти.



КОНТИНГЕНТ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛМАЙДИ

Украина ҳарбий контингенти Ироқ-дан олиб чиқиб кетилмайдиган. Мамла-кат Олий радиосида бўлиб ўтган ёпиқ мажлисда шундай қарор қабул қилин-ди.

ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бугун Ҳиндистоннинг янги бош вазири, «Ҳиндистон миллий конгресси» партияси етакчиларидан бири Манмохан Сингх ва унинг раҳбарлигидаги янги ҳуку-мат таркиби қасамёд қабул қилади.

ЎРМОНЛАР ОЛОВ ДОМИДА

Россия, Европа ва Америка ўрмонларида ҳар йили шу аҳвол. Ёз бошланмиги тўрибоқ ёнғин «мавсуми» кириб келади. Ўз-ўзидан олов чиқиб, мингглаб гектар ўрмонлар кунпая-кун бўлади.

Интер-спорт

«Интерфакс» агентлиги маълум қилишича, Новосибирск вилоятида 1852 гектарлик 3 та ёнғин ўчоғи, Челябинск вилоятида 1300 гектарлик 2 та, Тюмен вилоятида эса 1840 гектарда гурилляётган 5 та ва Свердловск вилоятида ҳам шунча гектар ўрмонда 4 та ёнғин ўчоғи қайд этилган.

БЕКХЭМ МАДРИДДА ҚОЛМОҚДА

Англия терма жамоаси сардори Дэвид Бекхэм Мад-ридининг «Реал» жамоасини тарқ этмаслигини баён қил-ди. Хотини Викториа, ўғил-лари Бруклин билан Ромео ҳам Испания пойтахтига ке-ладиган бўлишиди. Бекхэм Испанияда яна анча яшамоқ-чи эканини яширмаяпти. Маълумки, у бултўр «Манчестер Юнайтед»дан «Реал» жа-моасига 35 миллион евро миқдоридоги шартномага имзо чекиш билан ўтган эди. Лекин мавсум Бекхэмга омад келтирмади. «Реал» ҳам юқори ўринларни эгаллай-олмади. Бир сўз билан айт-ганда, футболчи оиласи би-лан боғлиқ турли миш-миш-ларга барҳам бериш нияти-да. Керак бўлса у Мадрид-дан уй ҳам сотиб олмақчи. Шу тариха матбуотда тарқ-алган «Бекхэм «Челси»га ўтаркан», деган гапларга ҳам нуқта қўйилади.

ЎЙИН ЧОГИДА РЕКЛАМА БЎЛМАЙДИ

Россия телеканаллари Европа футбол чемпионатини олиб кўрсатиш бўйича ўз режаларини белгиллади. Учрашувларни «Россия» каналли олиб кўрсатади. Баъзи учрашувларни «Би-ринчи» канал ҳам намойиш этиши мумкин. Бордию мамлакат терма жамоаси чорак финалга чиқадиган бўлса, бундай ўйин-лар «Россия» каналига муносиб саналади. Ҳал қилувчи учра-шуви ҳам шу канал орқали кўриш мумкин. Агар Россия фут-болчилари ўз гуруҳларида биринчи ёки иккинчи ўринни эгал-лаб, чорак финалга чиқадиган бўлишса, сўзсиз «В» гуруҳидаги пешқадамлар билан майдонга тушиши кўзда тутилган. Демак, Европанинг етакчи жамоалари билан бўладиган учрашувларни томоша қилиш мўжизаларга ҳам маъқул келади. Энг қизиғи, учрашувлар ҳақида ҳеч қандай рекламалар аралаштирилмай-ди. УЕФА ҳам шунинг тарафдори. Рекламаларни ўйин олдидан ва учрашув охирида кўрсатиш мумкин. Футбол учрашувларини эса 25 та телекамера орқали намойиш этиш кўзда тутилган.

ШЕВЧЕНКО СОТИЛАРМИКАН?

Лондоннинг «Челси» жамоаси соҳиб россиялик миллиар-дер Роман Абрамович Италиянинг «Милан» клуби раҳбарлари билан украин тўпурари Андрей Шевченконинг сотиб олиш бора-сида расмий музокара ўтказди. Маълумки, Шевченко бу йил энг яхши тўпурар сифатида Италиянинг «Милан» жамоаси чем-пион бўлишига муносиб ҳисса қўшди. Абрамович эса украин тўпурарини олиш учун «Милан»га 20 миллион фунт стерлинг тақлиф қилмоқда. Мутахассислар 27 ёшли Шевченконинг жаҳон-нинг энг яхши ҳужумчиси сифатида баҳосини юқори қўйиш-моқда.

